

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

О.Т.ЮЛДАШЕВ



**СУҒУРТА ИШИ
КАФЕДРАСИ**



СУҒУРТА ИШИ

Тошкент-2014

8-МАВЗУ: МОЛ-МУЛК СУҒУРТАСИ

РЕЖА

1

- Умумий суғурта тармоғининг мол-мулкларни суғурталашга оид класслари.

2

- Мол-мулк суғуртасининг турлари.

3

- Юридик шахслар мол-мулкини суғурталаш.

4

- Бошқа турдаги мол-мулкларни суғурталаш.

8.1. Умумий суғурта тармоғининг мол-мулкларни суғурталашга оид класслари

2. Умумий суғурта тармоғи

Класс тартиб рақами	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар
7-класс	Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш	Транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишда юklar, багаж ва бошқа мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
8-класс	Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш	Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк (3 ва 7- классларда кўрсатилганлар бундан мустасно) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами
9-класс	Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш	8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк (3 ва 7-классларда кўрсатилгандан бошқа) йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жами

915-модда. Мулкий суғурта шартномаси

Мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ходисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахсининг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

фуқаролик жавобгарлиги хавфи — бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

тадбиркорлик хавфи — тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан қутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

МОЛ–МУЛКНИ ОЛОВДАН ВА ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ (8-класс бўйича)

Ушбу Қоидалар, суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигига ҳамда "O'zagrosug'urta" davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi Уставига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уруши, zilзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда Суғурта товони тўланишини таъминловчи, Умумий суғурта тармоғининг 8-классга оид суғурта турларининг жами ҳисобланади.

Ушбу Қоидалар асосида қуйидаги мол-мулкларнинг суғурталанишига йўл қўйилмайди:

- транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар;
- ҳаракатланадиган темир йўл таркиби;
- транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишдаги юклар, багаж ва бошқа мол-мулклар.

СУҒУРТА ОБЪЕКТЛАРИ

Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида мол мулкига (бино ва иншоотлар, асосий ва ишлаб чиқариш воситалари (техника ва технологик саноат қуруллари), асбоб-ускуналар, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, тайёр маҳсулот, хом ашё, кўп йиллик дов дарахтлар, фуқаролар томорқаларида ўстирилаётган мевали - резавор экинлар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва бошқа мол-мулклар) эгалик қилишида, фойдаланишида мулкый манфаати Суғурта объектлари ҳисобланади.



Мазкур Қоидаларга асосан Суғурта қилдирувчининг мол-мулки ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уруши, зилзила, ядро энергияси таъсири қалтисликлари натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши Суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

Ёнғин	Ёқиш учун махсус мўлжалланмаган жойда пайдо бўлган ёки у ердан бошқа жойларга ўтиб кетган ва эркин тарқалиш хусусиятига эга аланга;
Портлаш	Буғ ва газларнинг кенгайиш хусусиятига асосланган қисқа муддат ичида катта миқдордаги энергияни тарқалиши.
Бўрон	Тезлиги 15 м/с дан юқори бўлган кучли шамол. Тезлиги 15.3 м/с дан 29 м/с гача бўлган шамол;
Довул	29 м/с тезликдан юқори бўлган тезликдаги шамол;
Жала	Қисқа муддат ичида ёнғингарчилик миқдори кучли бўлган ёмғир;
Кўчки	Шамол, ер усти ва ости сувлари таъсири, ер силкинишлари ёки қирғоқни сув ювиши натижасида ва ўз оғирлиги таъсирида тоғ жинслари массасининг кўчиб тушиши;

Тупроқнинг чўкиши	Тоғ жинсларининг ўз оғирлиги таъсирида секин силжиши. Тупроқнинг силжиши кўп ҳолларда денгизлар, кўллар, дарёлар, жарликлар, чуқурликлар ва каналлар қирғоқларида кузатилади. Айрим ҳолларда жойнинг геологик хусусиятларини ҳисобга олмасдан олиб борилган фаолиятдан ҳам юзага келиши мумкин.
Тупроқнинг емирилиши	Тоғ жинсларининг ўз оғирлиги таъсирида тўсатдан, кўкқисдан ўпирилиши, қулаши, силжиши. Тупроқнинг силжиши кўп ҳолларда денгизлар, кўллар, дарёлар, жарликлар, чуқурликлар ва каналлар қирғоқларида кузатилади.
Ер ости сувлари	Ер ости сувларининг, сизот сувларининг ҳаддан ташқари намгарчилик, зах натижасида тупроққа (ерга, заминга) чиқиши;
Сел	Тоғларда кўллар пайдо бўлиши оқибатида ёки қор ва музларнинг тез эриши, қисқа даврда кўп ёғингарчилик бўлиши сабабли тоғ дарёларида сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида пайдо бўлган кучли сув оқими;
Яшин уруши	Яшин разрядларининг бевосита мол-мулкка ўтиши;
Зилзила	Ер ости ва юзасининг қимирлашлари билан куза-тиладиган ер қаридаги узлуксиз юз берувчи табиий жараёнлар натижаси;
Ядро энергияси	Айрим ядро реакцияси натижасида ажралиб чиқаётган атом ядросининг ички энергияси-ядро энергияси (атом энергияси) ҳисобланади.

Қуйидаги ҳодисалар Суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

1

- Суғурта қилдирувчининг қўпол эҳтиётсизлиги натижасида мол-мулкка зарар етказилса, (Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар ҳаёти, саломатлиги, қадр қиммати, ор - номусини ҳимоя қилиш ёки фуқоралик бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно);

2

- Суғурталовчига олдиндан билиб туриб суғурталанадиган мол-мулк тўғрисида, ёлғон, ноқонуний маълумотларни тақдим қилиши натижасида мол-мулк зарарланганда.

Қуйидаги сиёсий тавсифга эга бўлган ҳодисалар туфайли мол-мулкка етказилган зарар учун Суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Суғурталовчи жавобгарлик олиб бормайди:

1

- радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида мол-мулкка етказилган зарарлар;

2

- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар натижасида мол-мулкка етказилган зарарлар

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб ҳисобланади:

Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) тузилаётган пайтда Суғурта ҳодисаси юз берган бўлса ёки Суғурта объекти мавжуд бўлмаса;

Суғурта шартномаси (Суғурта полиси) бўйича ғайриҳуқуқий манфаат суғурталанган бўлса;

Суғурта шартномасида (Суғурта полиси) Суғурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса;

Суғурта шартномаси амалдаги бошқа қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

СУБРОГАЦИЯ



Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчининг Суғурта ходисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Суғурталовчига ўтади.



Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи, Суғурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.



Қуйидаги ҳолларда Суғурталовчи Суғурта ҳодисасини тан олмаслиги ва мол-мулкка етказилган зарар учун жавобгарлик олиб бормаслиги мумкин:

1

- иш жараёнида рўй бериши муқаррар бўлган ёки табиий ҳолда рўй берадиган(чириш,эскириш), алоҳида қисмларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли кўрилган зарар учун;

2

- Суғурта қилдирувчи Суғурта товонини олиш мақсадида атайлаб қилган ҳаракатлари натижасида етказилган зарар учун;

3

- Суғурта ҳодисаси ҳақида белгиланган муддатда хабар берилмаганлиги туфайли мулкнинг шикастланиши ёки бутунлай ишдан чиқиши сабабини ва зарар миқдорини аниқлаб бўлмаса;

4

- мол-мулкка етказилган зарар, шикастланиш ёки яроқсиз ҳолатга келишини содир қилган шахс томонидан қопланган бўлса;

5

- мол-мулклардан фойдаланиш Қоидасида белгиланган талабларни бузганлиги натижасида шикастланганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланса;

6

- қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолатларда ҳам Суғурталовчи Суғурта ҳодисасини тан олмаслиги ва мол-мулкка етказилган зарар учун жавобгарлик олиб бормаслиги мумкин.

МОЛ – МУЛКНИ ЗАРАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ (9-класс бўйича)

Ушбу Қоидалар, суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигига ҳамда "O'zagrosug'urta" davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi Уставига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган бўлиб, дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда Суғурта товони тўланишини таъминловчи, Умумий суғурта тармоғининг 9-классга оид суғурта турларининг жами ҳисобланади.

Ушбу Қоидалар асосида қуйидаги мол-мулкларнинг суғурталанишига йўл қўйилмайди:

- транспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар;
- ҳаракатланадиган темир йўл таркиби;
- транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишдаги юклар, багаж ва бошқа мол-мулклар.

СУҒУРТА ОБЪЕКТЛАРИ

Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида мол мулкига (бино ва иншоотлар, асосий ва ишлаб чиқариш воситалари (техника ва технологик саноат қуроллари), асбоб-ускуналар, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, тайёр маҳсулот, хом ашё, кўп йиллик дов дарахтлар, фуқаролар томорқаларида ўстирилаётган мевали - резавор экинлар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва бошқа мол-мулклар) эгалик қилишида, фойдаланишида мулкый манфаати Суғурта объектлари ҳисобланади.



Мазкур Қоидаларга асосан Суғурта қилдирувчининг мол-мулки дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа қалтисликлар (Суғурта ҳодисалари) натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши Суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

Дўл	дўлнинг диаметри 6-19 мм ва шу қаторда қуюн ва бўрон, максимал тезлиги 25 м/с ва ундан кучли;
Қалин қор ёғиши	12 соат ва ундан кам вақт давомида ёғингарчилик миқдори 7-19 мм;
Қаттиқ совуқ тушиши	ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши;
Бузиб кириб ўғирлик қилиш	бинога мажбурлаш ва зўравонлик йўли билан кириши ёки чиқиш йўли билан ўғирлик қилиш ёки шу каби ўғирликка уриниш. Мол-мулкни ўғирликда суғурталаш ўғирлик натижасида етказилган бевосита ва билвосита зарарларни ўз ичига олади;
Бошқа қалтисликлар	

8.2. Мол-мулк суғуртасининг турлари

Мол-мулк суғуртаси суғуртанинг алоҳида тармоғи бўлиб, унда мулкдан фойдаланиш, мулкка эгалик қилиш ва мулкни бошқариш билан боғлиқ мулкый манфаатлар суғурта ҳимоясининг объекти ҳисобланади

Мол-мулк суғуртаси мулкый суғуртанинг бир қисми ҳисобланади. Мулкый суғурта тармоғига мол-мулк суғурацидан ташқари жавобгарлик суғуртаси ва тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш ҳам киради.

Суғурта қилдирувчининг хусусий мулки, оператив бошқарувидаги ва хўжалик юритишидаги мулклари суғурталаниши мумкин.

1. Аҳоли иморатларини суғурта қилиш
2. Аҳоли уй- рўзғор буюмларини суғурта қилиш
3. Аҳоли автотранспорт воситаларини суғурта қилиш
4. Аҳоли чорва молларини суғурта қилиш
5. Аҳоли кўп йиллик дов-дарахтларини суғурта қилиш
6. Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини суғурта қилиш
7. Гаровга қўйилаётган мулкни суғурта қилиш
8. Корхоналар мол-мулкни суғурта қилиш
9. Юридик шахслар автотраспорт воситаларини суғурта қилиш
10. Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган ҳамда транзит сифатида ўтадиган улов воситаларини суғурта қилиш
11. Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини суғурта қилиш
12. Жисмоний шахсларни Мол-мулкни (ер устки транспорт воситалари ҳамда чорва молларидан ташқари) суғурта қилиш
13. Юридик шахсларни Мол-мулкни (ер устки транспорт воситалари ҳамда чорва молларидан ташқари) суғурта қилиш
14. Гаровга қўйилаётган мол-мулкни (чорва молларидан ташқари) суғурталаш
15. Юридик шахсларни Мол-мулкни (ер устки транспорт воситалари ҳамда чорва молларидан ташқари) суғурта қилиш
16. Гаровга қўйилган транспорт воситаларини суғурта қилиш бўйича
17. Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш

ЕР УСТИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ


Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва чет эл корхоналари, ваколатхоналари, элчихоналарини (кейинги матнларда «Суғурта қилдирувчи») ер усти транспорт воситаларининг йўқотилганда ёки шикастланганда Суғурта товонини тўланишини таъминловчи, Умумий суғурта тармоғининг 3-классга оид суғурта турларининг жами ҳисобланади.

СУҒУРТА ОБЪЕКТЛАРИ

Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ер усти транспорт воситаларига эгалик қилишида, фойдаланишида мулкый манфаати Суғурта объектлари ҳисобланади.

ЕР УСТИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ЙЎҚОТИЛИШИ ЁКИ ШИКАСТЛАНИШИДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ

Ушбу Қоидага биноан, Суғурта қилдирувчи қуйида кўрсатилган қалтисликларни Суғурта шартномасида танлагани ҳолда, Суғурталовчи, суғурталанган транспорт воситаларини ушбу қалтисликлар натижасида шикастланиши ёки йўқотилишини ҳамда транспорт воситаларига эҳтиёт қисмларини сотиб олиниши ёки уларни таъмирлаш ишлари бўйича, Суғурта товонини тўлаш йўли билан қоплайди:





Олиб қочиш — суғурталанган транспорт воситасини ноқонуний ўғирлаб кетилиши;




Ўғирлик - суғурталанган транспорт воситасига тегишли бўлган қисмларни, эҳтиёт қисмларни, қўшимча ускуналарни яширин равишда талон тарож қилиш;



Босқинчилик — суғурталанган транспорт воситасини ёки унга тегишли бўлган қисмларни, эҳтиёт қисмларни, қўшимча ускуналарни талон тарож қилиш мақсадида хужум қилиб, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;



Талончилик — суғурталанган транспорт воситасини, унинг қисмларини ёки эҳтиёт қисмларини очикдан очик талон тарож қилиш;



Ёнғин - суғурталанган транспорт воситасини маълум сабабларга кўра очик ҳолда ёниб кетиши;



Портлаш - суғурталанган транспорт воситаси газ ва пар босими кучайиши сабабига кўра портлаши, бу ҳолда портлашдан сўнг ёнғин ҳосил бўлса, Суғурта товони ёнғин қалтислигига кўра тўланади;



Жисмлар урилиши - транспорт воситасига турли жисмларининг урилиши ёки қулаши натижасида зарар етиши ва ойналарининг синиши (дарз кетиши);



Йўл транспорт ходисаси (ЙТХ) - суғурталанган транспорт воситасининг (урилиши, сирғалиши, турли жиҳозларга урилиб кетиши, қулаши) ҳаракатланиши ёки ҳаракатсиз вақтларида зарарланиши;



Табиий офатлар - ер қимирлаши, сув тошқини, бўрон, тўфон, сел, қор кўчиши ва бошқалар;



Учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракати - транспорт воситасига учинчи шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган ҳаракатлар туфайли зарар етказиш.